

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг ягона буюртмачи хизмати
“Инжиниринг компанияси” директори
_____ М. Утемуратов
_____ ” _____ 2022й



**Қорақалпоғистон Шуманай тумани Маденият маҳалла фуқаролар йиғини
биносини қуриш лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш
ТАНЛАШ ҲУЖЖАТИ**

Нукус шаҳри 2022 й.

УМУМИЙ ҚИСМ

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИГА ЙЎРИҚНОМА

I. ИШЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА ТАЪРИФИ

Буюртмачи - танлов ахборот жадвалида (кейинги ўринларда ТАЖ деб аталади) кўрсатилган объект бўйича ишларни олиб боришни мўлжаллаб, ТАЖда кўрсатилган объект бўйича танлов эълон қилади.

Танловнинг тури – электрон танлов,

Ишлар танлов ҳужжатларининг тижорат қисмида жойлашган намунавий шартнома талабларига биноан бажарилиши лозим

Умумий ҳолат

1.1 Ушбу танлов ҳужжатлари "Давлат харидлари тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (кейинги ўринларда Қонун) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 февралдаги ПҚ-3550 қарори талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган. "Лойиҳалашдан олдин, лойиҳа, тендер ҳужжатлари ва шартномалар экспертизасини ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" (кейинги ўринларда - қарор).

1.2 Танлов мавзуси: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябрдаги ПҚ-408 сонли қарорига асосан, соҳа сфери объектларнинг лойиҳа – смета ҳужжатларини тайёрлаш ишлари.

1.3. **Танлов охириги қийматига:** лойиҳа – смета ишлари ҳамда лойиҳа олди ҳужжатлари (ЗВОС, экологик ҳулоса, АРТ, объектни техник урганиш, лойиҳа қидирув ишлари,) ва лойиҳа - смета ҳужжатлари учун “Шаҳарсозлик ҳужжатлари” экспертизаси ҳулосасини олиш ишлари киритилади. ТАЖ да кўрсатилган қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.4 Танлов таклифида кўрсатилган нархлар чегара қийматидан ошмаслиги керак.

1.5. Хизматларни кўрсатиш бўйича техник топшириқлар танлов ҳужжатларининг техник қисмида келтирилган.

1.6 Ҳарид комиссияси йиғилишининг шакллари – онлайн, электрон тарзда.

II Танлов ташкилотчилари

2.1 Буюртмачининг номи – « Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг ягона буюртмачи хизмати “Инжиниринг компания” си (бундан кейин "Буюртмачи" деб номланади).

2.2 Комиссиянинг ишчи органи ҳарид комиссияси (бундан кейин - "комиссия").

2.3 Танлов камида 5 аъзодан иборат Буюртмачи томонидан тузилган ҳарид комиссияси томонидан ўтказилади.

Танлов ҳужжатлари ҳамда малака талабларига қўйиладиган шартлар ва талаблар

3.1. Танловда Ўзбекистон Республикаси резиденти ёки норезиденти булган ҳамда камида 3 йиллик ухшаш объектларни лойиҳалаштириш тажрибасига эга профиль ташкилотлар иштирок этиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси норезидентларига маҳаллий лойиҳа ташкилотларини жалб этган ҳолда лойиҳа-смета ҳужжатларини миллий нормалардан чекланишини компенсациялаш чора-тадбирларини амалга ошириш мақсадида адаптация қилиш мажбурияти юкланади.

3.2. Буюртмачи иштирокчини сотиб олиш тартиб-таомилларида қатнашишдан четлаштиради офферентлар ва буюртмачи ўртасида аффилиланганлик хусусияти

аниқланганлигида (бунда оферент такдим этган ва расмий маълумотлар асосида текширилади), коррупцияга йўл қўйилмаслик тўғрисида ариза илова қилинмаса, баҳолаш учун зарур бўлган маълумотлар такдим этилмаганда.

3.3. Оферентлар томонидан танлов таклифлари узбек ёки рус тилида тайёрланиши талаб этилади.

3.4. Умумий танлов ҳужжатлари декларация ва 7 та шакл ҳамда 3 та иловани ташкил этади (*илова қилинади*).

3.5. Танлов ҳужжатлари уни урганишда ва танлов таклифини тайёрлашда ҳар томонлама тушунарли ҳолда тайёрланган бўлиши керак.

3.6. Лойиҳачиларни консорциум ва бошқа курунишдаги бирлашмаларини танлов савдоларида иштирок этишларига йўл қўйилмайди.

3.7. Танлаш иштирокчиларининг таклифларини куриб чиқиш ва баҳолаш таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан 10 (ун) иш кунда комиссия аъзолари томонидан амалга оширилади.

3.8. Танлов иштирокчилари лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолияти билан шугулланишга тегишли лицензияга эга бўлган лойиҳалаш ташкилоти бўлиши лозим. Танлов иштирокчиси томонидан лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун тегишли лицензиялар нусхалари (шу жумладан ёрдамчи лойиҳалаш ташкилотлариники)ни такдим этиши шарт.

3.9. Танлов таклифлари (техник қисм, таклиф этилаётган лойиҳалаш ишларини бажариш муддати) электрон равишда қабул қилинади.

3.10. Баҳолашнинг асосий мезонлари техник қисм ва лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш.

3.11. Танлов таклифлари асосида тузилган шартноманинг шартлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг умумий тамойилларига, ҳужалик юритувчи субъектлар шартномавий ҳуқуқий асослари тугрисидаги Ўзбекистон Республикаси Донуни ва меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бўлиши керак, Такдим этилаётган хизмат натижалари ҳар қандай мажбуриятлар ва учинчи шахслар томонидан урнатиладиган чекловларга эга бўлмаслиги керак.

3.12. Танлов иштирокчилари томонидан такдим этилган ҳужжатлар қўйилган талабларга (*VIII боб*) жавоб бериши керак.

3.13. Танловда қайта ташкил этилаётган ёки банкротлик ҳолатидаги лойиҳа ташкилотларининг иштирок этиши мумкин эмас.

3.14. Танловда солиқлар, йигимлар ва бошқа мажбурий туловлар буйича қарздорлиги мавжуд бўлган ҳамда тақиқланган ташкилотлар рўйхатига қирувчи ва халқаро санкцияларга тушган ташкилотлар иштирок этолмайди.

I. Танлов таклифига киритилган ҳужжатлар

4.1. Танлов таклифини таъминлаш тугрисидаги Декларация.

4.2. Лойиҳачи ташкилотнинг штат жадвали (1-шакл).

4.3. Лойиҳачи ташкилот ҳақида умумий маълумотлар (2-шакл).

4.4. Танлов иштирокчисининг охириги 3 (уч) йиллик молиявий курсаткичлари, салоҳияти, тулов қобилияти ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги тугрисида маълумот (3-шакл).

4.5. Танлов иштирокчисининг охириги 3 (уч) йилда лойиҳалаш ишлари буйича иш тажрибаси (4-шакл).

4.6. Лойиҳалаш (қурилиш) майдонини қурганлик ва лойиҳани урганганлик тугрисида маълумотнома (5-шакл).

4.7. Мавжуд оргтехника (компьютер, принтер, лойиҳалаш дастурлари, мавжуд машина ва механизмлар) ва бошқалар рўйхати (6-шакл).

4.8. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш жараёнида ёрдамчи лойиҳа ташкилотни жалб қилиш тугрисида маълумот (7-шакл).

4.9. Лойиха-смета ҳужжатларини тайёрлаш ишларини умумий графиги (8-шакл).

4.10. Лойиха-смета ҳужжатлари 10 иш кунда ЛСХ ҳужжатлари толиқ Буюртмачи таксим қилинмаса тузилган шартнома бекор қилиниб захира иштирокчига топширилади.

Танлов ҳужжатларига қуйидагилар илова қилиниши лозим:

- лойихалаш ишларини бажариш бўйича Ўзбекистан Республикаси қурилиш вазирилиги томонидан берилган лицензия нусхаси (аслига тугрилиги ташкилот мухри билан тасдиқланган ҳолда);

- юридик шахсни давлат руйхатидан утганлиги тугрисидagi гувоҳнома нусхаси (аслига тугрилиги ташкилот мухри билан тасдиқланган ҳолда);

- лойиха ташкилотининг таъсис ҳужжати нусхаси (аслига тугрилиги ташкилот мухри билан тасдиқланган ҳолда).

II. Таклифни муҳрлаш ва такдим этиш

5.1. Ҳужжатлар имзоланган ва муҳрланган асл нусхалари электрон равишда давлат харидларини утказиш бўйича махсус электрон порталига жойлаштирилади.

5.2. Таклифлар ва ҳужжатлар талаб қилинган ҳолатда булмаса буюртмачи томонидан ҳужжатлар қабул қилинмайди ва қуриб чиқилмайди.

III. Комиссия ишини бошлаш, танлов таклифларини очиш ва баҳолаш

6.1. Танлов давлат харидларини утказиш бўйича махсус электрон порталида утказилади.

6.2. Иштирокчилар таклифлари давлат харидларини утказиш бўйича махсус электрон порталида қуриб чиқилади.

6.3. Танлов комиссияси иштирокчиларни такдим этган ҳужжатларини ва таклифларини қуриб чиқади, уларни тугри тулдирилганлиги, ҳужжатларни электрон асл нусхалари хақиқийлиги, тугри имзоланганлиги ва умумий ҳолат бўйича таклифларини қуриб чиқади.

6.4. Танловга киритилмаган ёки дисквалификация қилинган таклиф иштирокчилари баённомада сабаби курсатилган ҳолда танловдан четлаштирилади.

6.5. Танлов комиссиясининг овозга қуйиш натижалари хақидаги маълумотлар махфий ҳисобланади ва ошкор этилишига йул қуйилмайди.

6.6. Хар бир офертанинг кейинги босқичларга утиши қупчилик овоз билан ҳал қилинади, агар овозлар тенг булса комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

IV. Танлов иштирокчиларини баҳолаш

7.1. Танлов голибини аниқлашда танлов иштирокчиси томонидан тулдирилган ва такдим этилган шакллар урганиб чиқилади.

7.2. Танлов комиссияси аъзолари давлат харидларини утказиш бўйича махсус электрон порталида уз шахсий кабинети орқали (узининг шахсий ЭРИ қалити билан) баҳолайди ва тасдиқлайди (намуна 1-жадвалда келтирилган).

7.3. Зарур булган ҳолларда танлов комиссияси комиссия таркибидан, компания булимларидан ёки тегишли бошка малакали мутахассислардан жалб қилган ҳолда ҳужжатларни тулик урганиб чиқиш ва ҳулоса киритиш учун баҳолаш гуруҳи тузишга ҳақлидир.

**Ўзбекистон Республикаси Шуманай тумани Маденият маҳалла фуқаролар йиғини
биносини қуриш учун танлов
таклифларини техник баҳолаш варағи**

Т/р	Шаклларни баҳолаш параметрининг номи	Шакл	Максимал балл	Оферентлар			
				1	2	3	♦ ♦ ♦
1.	Декларация						
2.	Лойихачи ташкилотнинг штат жадвали	1-шакл	5				
3.	Лойихачи ташкилот ҳақида умумий маълумотлар	2-шакл	15				
4.	Танлов иштирокчисининг охириги 3 (уч) йиллик молиявий курсаткичлари, туловга кодирлиги ва айланма маблаглар билан таъминланганлиги тугрисида маълумот	3-шакл	20				
5.	Танлов иштирокчисининг охириги 3 (уч) йилда лойихалаш ишлари бўйича бажарган иш тажрибаси	4-шакл	10				
6.	Лойихалаш (қурилиш) майдонини қурганлик ва лойихани урганганлик тугрисида маълумотнома	5-шакл	5				
7.	Мавжуд оргтехника (компьютер, принтер, лойихалаш дастурлари) ва бошқалар рўйхати	6-шакл	10				
8.	Лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш жараёнида ёрдамчи лойиха ташкилотини жалб қилиш тугрисида маълумот	7-шакл	5				

V. Танлов таклифларини баҳолаш мезонлари

8.1. Танлов иштирокчилари 2-жадвалда курсатилган баҳолаш мезонларининг ҳар бир параметри бўйича талаб этиладиган ҳужжатларни электрон платформага жойлаштириши шарт.

8.2. Танлов бўйича энг куп балл туплаган иштирокчи танлов голиби ҳисобланади.

8.3. Танлов голибига туловлар тузилган шартномага асосан Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси (сум)да тулаб берилади.

8.4. Иштирокчилар таклифларининг техник қисми 90 балл.

8.5. Иштирокчилар таклифларининг нарх қисми 10 балл.

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси бюртмачилигидаги объектнинг лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш буйича танлаш таклифларини
ТЕХНИК БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ**

Т/р	Шаклларни баҳолаш параметрининг номи	Максимал балл
I. Декларация		
1.	Танловда иштирок этиш буюртмасида декларация ва коррупцияга йўл қўйилмаслик тўғрисида ариза булмаганда таклиф куриб чицилмайди	
II. Лойихачи ташкилотнинг ташкилий тузилмаси 1-шакл (жами 7 балл)		
1.	Штат жадвали (<i>ҳодимлар сони, меҳнатга ҳақ тулаш жамғармаси ва бошқалар</i>)	7
III. Лойихачи ташкилот ҳақида умумий маълумотлар 2-шакл (жами 20 балл)		
1.	Иш стажи 10 йилдан кам булмаган олий маълумотли қурилиш мутахассислигига эга булган 2 нафар раҳбарлар мавжудлиги (<i>тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилиниши зарур</i>)	5
2.	Олий маълумотли камида 5 йил иш стажига эга лойиха бош инженери ва лойиха бош архитектори мавжудлиги (<i>тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилиниши зарур</i>)	10
3.	Доимий равишда ишловчи камида 10 та малакавий лойихачи мутахассислар мавжудлиги (<i>тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилиниши зарур</i>)	5
IV. Танлов иштирокчисининг охириги 3 (уч) йиллик молиявий курсаткичлари, тулов қобилияти ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги тўғрисида маълумот 3-шакл (жами 25 балл)		
1.	Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти 0,2 ва ундан куп, асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати қиймати 500 млн.сум ва ундан куп (<i>шунингдек, сунгги 3 (уч) йиллик молиявий натижалар илова қилиниши зарур</i>)	5
2.	Муддати утган кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмаслиги (<i>баланс ва молиявий натижалардан нусха ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари солир, банк қарздорлиги буйича маълумотномаларнинг нусхаси</i>)	5
3.	Жисмоний шахслар учун тўланган даромад солиғининг миқдори (<i>сўров юборилгандан кейин охириги 12 ой учун. Ўртача иш ҳақи миқдорига қараб баҳоланади</i>)	5
4.	Ўтган йилда 500 млн.сум фойдаси (солик тулангунга қадар) мавжудлиги	5
5.	Тўловга қодирлик ёки қоплаш коэффициенти 1,25 ва ундан кўплиги	5
V. Танлов иштирокчисининг охириги 3 (уч) йилда лойихалаш ишлари буйича бажарган иш тажрибаси 4-шакл (жами 18 балл)		
1.	Танловда қўйилган объектга ўхшаш бўлган объектларни ЛСХларини бажариш: йилига N (<i>N - охириги 3 (уч) йилда йилига 5 та ва ундан кўп</i>)	6
2.	Бир йилда 10 тадан кам булмаган объектларнинг ЛСХларини тайёрлаганлик	6
3.	Камида 10та ижтимоий соҳа объектлари ЛСХларини бажарганлиги	6
VI. Лойихалаш (қурилиш) майдонини қўрганлик, лойихани ўрганганлик ва лойиха-смета хужжатларини бажариш графиги тўғрисида маълумотнома 5-шакл. (жами 7 балл)		
1.	Қурилиш майдонини қўрганлиги ва урганиб чиқилганлиги (<i>жойни урганганлик ҳақидаги ҳисобот, қурилиш материаллари манбаи ҳақидаги маълумотлар, карта, фотосуръатлар ва ҳақозо билан тақдим этилиши шарт</i>)	7
VII. Мавжуд оргтехника (компьютер, принтер, лойихалаш дастурлари) ва бошқалар руйхати 6-шакл (жами 18 балл)		

1.	Лойихани бажариш учун зарур бўлган охириги 10 йилликда ишлаб чиқарилган компьютерлар ва оргтехника воситалари мавжудлиги (Танлов таклифларини баҳолашда ёрдамчи лойиҳачи ташкилотлардан жалб этилган машина ва механизмлар ҳисобга олинмайди, ижара шартнома асосидаги лойиҳа техникаларининг баллари 50% камайтирилади)	8
2.	Лойиҳалаш дастурлари мавжудлиги: - AutoCAD - Corel Draw - 3D MAX - Lira - Смета программалари - Вошқа замонавий дастурий маҳсулотлар	7
3.	Мавжуд хизмат автомобиллари	3
VIII. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш жараёнида ёрдамчи лойиҳа ташкилотни жалб қилиш тўғрисида маълумот 7-шакл (жами 5 балл)		
1.	Ёрдамчи лойиҳа ташкилотни жалб қилиш тўғрисида маълумот	5

Изоҳлар:

Танлов иштирокчиси лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича баҳолаш яқунларига кура 90 баллдан кам балл тупласа, унинг таклифи рад этилади.

Таклиф қўйидаги ҳолларда қуриб чирилмайди:

агар таклиф танлов комиссиясининг балл бериш натижаларига кура техник малакаси етарли эмас деб топилса;

2, 3, 4 ва 6 шакллардан бирортаси мавжуд бўлмаса ёки белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган бўлса, уларни баҳоси 0 га тенглаштирилади ва қолган ҳужжатлар қуриб чиқилмайди.

VI. Ижрочилар билан ҳисоб-китоб тартиби

Ғолиб ташкилот билан ҳисоб-китоб миллий валюта (сум)да амалга оширилади. Танлов ғолибига шартнома хиймати бир миллиард сумгача бўлса 30%, ундан юқори бўлган тақдирда 15% (Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харид қилишда 15 фоиздан ортиқ миқдорда аванс тулаши мумкин бўлган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг турлари руйхатини тасдиқлаш тўғрисида” 2011 йил 24 августдаги 241-сонли қарорига мувофиқ) миқдорда олдиндан бунақ тулов утказиб берилади. Қолган маблағ ғолиб лойиҳа ташкилоти томонидан лойиҳа-смета ҳужжатлари тулиқ ишлаб чиқилиб, 3 нусхада ва электрон шаклда буюртмачига тақдим қилиб, экспертиза ҳулосаси олингандан сунг, маблағ молиялаштирилиб берилади.

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ УЧУН КУРСАТМА

Танлов таклифни тaминлаш тугрисида ДЕКЛАРАЦИЯ

(Лойиҳа ташкилоти номи)

_____ учун лойиҳа-
(Лойиҳаси тайёрланadиган объект номи)
смета ҳужжатларини тайёрлаш буйича

Кимга: _____

Биз куйида имзо чекувчилар, шуни билдирамизки:

Контракт шартномаларига мувофиқ, танлов таклифимиз ушбу таклифни таъминлаш тугрисидаги Декларация билан куллаб-кувватланади.

Агар танлов шартлари буйича мажбуриятларимиз куйидагилар окибатида биз томонидан бузилганда, _____ билан тузиладиган ҳар кандай шартнома учун танлов таклифни такдим этиш ҳукукини Буюртмачининг билдиришномаси олинган пайтдан бошлаб 3 йиллик даврга йукотишимизни қабул киламиз:

танлов таклифномасида курсатилган танлов амал килиш даврида бизнинг таклифимизни кайтариб чиқариб олсак;

танловни амал килиш даврида бизнинг таклифимиз қабул килинганлиги тугрисида буюртмачидан билдиришнома олганимиздан сунг, шартномани бажариш талаб этилганда шартномани бажармасак ёки бажаришдан бош тортсак, шартномани бажариш қафолатномасини такдим килмасак ёки такдим килишдан бош тортсак.

Танлашда бизнинг таклифимиз голиб деб топилмаган такдирда, мазкур декларация уз кучини йукотган деб ҳисобланади.

(Ташкилот номи)

(имзо)

(фамилия ва исми)

М.У

2022 йил “ ”

(Ташкилот номи)

(имзо)

(фамилия ва исми)

Лойхачи ташкилот нинг штат жадвали

М.У

Тузилган сана: 2022 йил “ ____ ”

Танлов иштирокчиси тугрисидаги умумий ахборот

Танлов иштирокчисининг номи _____

Рахбарининг ФИШ _____

Манзил ва телефон (факс) раками _____

Юридик макоми _____

Ташкил этилганлиги санаси (буйрук ёки қарор қим томондан берилган) _____

Фаолияти тури бўйича ихтисослашуви _____

Рахбар ва унинг уринбосарлари:

Т/р	Ф.И.Ш.	Маълумоти (таълим муассаси номи ва мутахассислиги)	Иш тажрибаси, йил	Эгаллаб турган лавозими	Умумий иш тажрибаси

Асосий ходимлар (ГИП, ГАП ва бошқалар):

Т/р	Ф.И.Ш.	Маълумоти (таълим муассаси номи ва мутахассислиги)	Иш тажрибаси, йил	Эгаллаб турган лавозими	Умумий иш тажрибаси

Такдим этилган маълумотлар тугрилиги ва хақиқийлиги учун қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгармиз.

Танлов иштирокчиси рахбарини имзоси: _____

(имзо)

(Ф.И.Ш.)

М.У

Тузилган сана: “ ____ ” 2022 йил

Шаклларнинг барча саҳифалари топширилаётганда танлов иштирокчиси томонидан имзоланган ва муҳрланган бўлиши керак

3-шакл

Танлов иштирокчисининг молиявий ҳолати
(охирги 3 йилдаги молиявий ҳисоботлари асосида)

Танлов иштирокчисининг номи _____

АКТИВЛАР				ПАССИВЛАР			
20 й.	20 й.	20 й.		20 й.	20 й.	20 й.	(минг.сумда)
Узоқ муддатли активлар				Узлик маблағларнинг манбалари			
Асосий воситалар				Устав фонди			
Шу жумладан ишлаб чиқариш захиралари				Таксимланмаган фойда			
Колдик киймат				Мажбуриятлар			
Капитал куйилмалар				Заёмлар			
Тугалланмаган ишлаб чиқариш				Кредитор қарзлар			
Жорий активлар				Шундан тулов муддати утган қарзлар			
Айланма маблағлар				Шундан бюджет бўйича қарзлар			
Улардан ишлаб чиқариш захиралари				Меҳнатга ҳақ тулаш бўйича қарзлар			
Дебитор қарзлар							
Шу жумладан тулов муддати утган қарзлар							
Жами баланс актив бўйича				Жами баланс пассив бўйича			

МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР

(минг.сумда)

НОМИ	20 й.	20 й.	20 й.	НОМИ	20 й.	20 й.	20 й.
1. Маҳсулот (иш, хизмат) сотишдан тушган тушум				8. Соф фойда			
2. Маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган соф фойда				Шудан асосий фаолиятдан фойда			
3. Сотилган маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш таннари				Умумхужалик фаолиятдан			
4. Административ харажатлар				9. Асосий фаолиятнинг фойдаси			
5. Бошқа харажатлар				10. Умумхужалик фаолиятининг фойдаси			
6. Даромад солиги тулангунга қадар фойда				11. Зарар			
7. Даромад солиқ				Шу жумладан: асосий фаолиятдан			
				Умумий хужалик фаолиятдан			

Баланс фойдаси _____

Такдим этилган маълумотлар тугрилиги ва ҳақиқийлиги учун қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгармиз.

Раҳбар _____
(имзо)

Бош ҳисобчи _____
(имзо)

М.У.

Тузилган сана: “ __ ”2022 йил

Шаклларнинг барча саҳифалари топшириляётганда танлов иштирокчиси томонидан имзоланган ва муҳрланган бўлиши керак.

Танлов иштирокчисининг охири бajarган иш тажрибаси

Танлов иштирокчисининг номи: _____

Йиллар кесимида ташкилот иштирок этган барча объектлар:

№	Объектнинг номи ва жойлашув манзили	Буюртмачининг номи	Тузилган пудрат шартноманинг киймати	Иштирок этиш шакли (бош пудратчи ёки ёрдамчи пудратчи)	Иштирокчи улуши (бajarилган иш хажмининг фоизлар ҳисобида курсатинг)
20 йил					
1.					
2.					
20 йил					
1.					
2.					
20 йил					
1.					
2.					

Такдим этилган маълумотлар тугрилиги ва хакикийлиги учун конунчиликда белгиланган тартибда жавобгармиз.

Танлов иштирокчиси раҳбарини имзоси:

М.У

(имзо)

(Ф.И.Ш.)

Тузилган сана: 2022 йил “__”

Шаклларнинг барча саҳифалари топширилаётганда танлов иштирокчиси томонидан имзоланган ва муҳрланган булиши керак.

**ЛОЙИХАЛАШ (ҚУРИЛИШ) МАЙДОНЧАСИНИ
ҚУЗДАН КЕЧИРГАНЛИГИ ТУГРИСИДА МАЪЛУМОТНОМА**

Ушбу билан тасдиқланадики, мен _____си бошлиги _____объектини лойиха- смета хужжатларини бажариш буйича ажратилган қурилиш майдончаси ва унга туташ ҳудудларда булдим, шунингдек:

- а) ҳудудни батафсил ургандим;
- б) лойихалаш хужжатларини ургандим.

Мазкур шартномани сифатли, тула ва уз вақтида бажарилишига, келгусидаги ишларнинг қийматига, лойихалаш ишларига таъсир курсатиши мумкин булган турли шароитлар ва бошқа ҳолатлар ҳамда қурилиш майдони билан танишдим. Ушбу ҳолатларнинг барчаси уз таклифимизда ҳисобга олинган.

Тақдим этилган маълумотлар тугрилиги ва ҳақиқийлиги учун қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгармиз.

Танлов иштирокчиси раҳбарини имзоси:

М.У

(имзо)

(Ф.И.Ш.)

Тузилган сана: “__”2022 йил

Шаклларнинг барча саҳифалари топширилаётганда танлов иштирокчиси томонидан имзоланган ва муҳрланган бўлиши керак.

7-шакл

**Танлов иштирокчисининг лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш жараёнида
фойдаланадиган оргтехника ва механизмлари руйхати**

[illegible]

Тақдим этилган маълумотлар тугрилиги ва хакикийлиги учун конунчиликда белгиланган тартибда жавобгармиз.

Танлов иштирокчиси рахбарини имзоси:

(ИМЗО)

(Ф.И.Ш.)

M.y

Тузилган сана: “__”2022 йил

Шаклларнинг барча саҳифалари топширилаётганда танлов иштирокчиси томонидан имзоланган ва муҳрланган бўлиши керак.

**ЛОЙИҲА-СМЕТА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ЖАРАЁНИДА
ЁРДАМЧИ ЛОЙИҲА ТАШКИЛОТНИ ЖАЛБ КИЛИШ ТУГРИСИДА
МАЪЛУМОТ**

Танлов иштирокчиси раҳбарини имзоси:

М.У

(имзо)

(Ф.И.Ш.)

Шаклларнинг барча саҳифалари топшириладиганда танлов иштирокчиси томонидан имзоланган ва муҳрланган бўлиши керак.

Тузилган сана: 2022 йил “__”

Шаклларнинг барча саҳифалари топширилаётганда танлов иштирокчиси томонидан имзоланган ва муҳрланган бўлиши керак.

8-шакл

**Лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш ишларини умумий
ГРАФИГИ**

Т/р	Ишлар тури	Ишларни якунланиш муддати

Танлов иштирокчиси раҳбарини имзоси:

М.У _____
(имзо)

(Ф.И.Ш.)

Тузилган сана: 2022 йил “ __ ”

Шаклларнинг саҳифалари топширилаётганда танлов иштирокчиси томонидан имзоланган ва муҳрланган булиши керак.

**ТАИЛОВ КОМИССИЯСИ АЪЗОЛАРИНИШ
КЕЛИШУВ ВАРАГИ**